

өлшемлерине тийкарланған адам мүнәсибетлерин көрсететуғын әдеплилик идеяларын белгилеп берген. Олар адамға өзиниң түсиниклери аркалы «қалай жасау керек, қалай шетке шығып қалмау керек» деген мәселелерге жууап берип келген. Мысалы: Қытай философиясының көрнекли ұәкили, белгили философ Конфуций тийкар салған Конфуций талийматындағы «уллы әдеп» ҳаққында тәлийматта: «бала – экени, хаялы – ерди, пуқара – басшыны, жасы киши – жасы

үлкенди толық сыйлау лазым» деп үйретеди [3:32].

Улыўма жуўмақтастырып айтканда, әдеплилик бул жаманлық етиўден сақлайди. Данышпанлар айтқан: «Жақсылық қолыңнан келмесе жаманлық етиўден сақлан». Инсан жәмийетте өмир сүрер екен ол бәрше факторларды есапка алыуы зәрүр. Бунда жәмийет хәм инсан ортасындағы ара қатнасық инсан руўхыйлығын жоқарылатыўда ажыралмас элемент сыпатында өмир сүреди.

Әдебиятлар

1. Юсупов И. Таңлаўлы шығармаларының үш томлығы. –Нөкис: “Билим”, 2018.
2. Базарбаев Ж., Даулетова К. «Әдептаныў» -Нөкис: «Билим» 1994.
3. Бердимуратова А.К. Философия (оқыў колланба). –Нөкис: 2010.

РЕЗЮМЕ

Мақолада инсон маънавияти, уларнинг асосий ўлчамлари кенг миқийсда тасвирлаб берилган. Инсоннинг ўзига хос бўлган инсонпарварлик хусусиятлари, жамият турмуши ва инсон феномени, жамиянинг модели ривожланиши, ахлоқнинг инсон умрига таъсири, урф-одатларнинг адабиёт билан ўзаро боғлиқлиги ва инсоннинг маънавий етуқлигидаги аҳамияти кенг тўрда очиб берилган. Бу масалалар асосан фалсафий томондан олиб қаралган бўлиб, унинг маъно-мазмун даражавий таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье описывается широкий спектр человеческой духовности и их основные измерения. Подробно разъясняются особенности личности человека, феномены человеческой жизни и общества, модельное развитие общества, влияние морали на жизнь человека, связь традиций и обычаев с литературой и важность духовной зрелости человека. Эти вопросы и основные их значения проанализированы с философской точки зрения.

SUMMARY

Spirituality of a person especially its measures are described widely in this article. The specific humanistic peculiarities of a person, social life and personal phenomenon, model development of the society, the effects of ethics to personal life, mutual relations between traditions, customs and literature and significance of a person as a spiritual prominence are explained thoroughly. These issues and their main meanings are analyzed from the philosophical point of view.

ЯРАТУВЧИНИНГ ЯГОНАЛИГИГА ДАЛИЛ

Е.Низаматдинов - магистрант

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Таянч сўзлар: дин, ғоя, тавҳид, ширк, монотеизм, политеизм, ақида, эътиқод, илм, ҳаёт, ваҳдоният, ирода, сифат, санавийлар, мажусийлар, насронийлар, табиатшунослар, фалакиётшунослар.

Ключевые слова: религия, идея, таухид, ширк, монотеизм, политеизм, доктрина, знание, жизнь, единство, воля, качество, язычники, христиане, натуралисты, астрология.

Key words: religion, idea, tawhid, shirk, Monotheism, Polytheism, doctrine, knowledge, a life, unity, will, quality, heathen, Christians, Naturalists, Astrology.

Ислом динининг энг асосий ғояси бу – Аллоҳни Ягона деб эътиқод қилишдир. Аслида, кишининг мусулмонлиги айнан мана шу эътиқодга муносабати билан билинади. Яъни мусулмон киши: Албатта, Аллоҳ таоло бирдир, Унинг бирор бир шериги йўқдир, дея эътиқод қилади.

Ушбу ақидага санавийлар мажусийлар, насронийлар, табиатшунослар ва фалакиётшунослар қарши фикр билдиришган.

Санавийлар ва мажусийлар иккита илоҳ мавжуд: Бири яхшилик яратувчиси, иккинчиси ёмонлик яратувчиси деб ҳисоблашган. Уларнинг баъзилари яхшилик яратувчисининг исмини Яздон ёки Ахурамазда, ёмонлик яратувчисининг исмини Аҳриман деб атаганлар. Бошқа бирлари эса яхшилик яратувчисининг исмини Нур, ёмонлик яратувчисининг исмини Зулмат деб атаганлар.

Насронийлар яратувчи Зот учтанинг учинчисидир дейишган ва уни учта асос билан ифодалаган: Зот, Илм ва Ҳаёт. Насронийларнинг баъзилари эса бошқача ифодалаган: Ота – Аллоҳ таолони назарда тутганлар, Ўғил – Исо алайҳиссаломни назарда тутганлар, Хотин – бундан Марям онамизни назарда тутганлар. Аллоҳ таоло уларнинг ҳаммалари айтаётган нарсалардан буюк, олий Зотдир [1:39].

Баъзи табиатшунослар дунёнинг асоси тўрттадир деб ҳисоблашган: ҳарорат, совуқлик, намлик ва куруқлик. Яъни борлиқдаги ҳамма нарса мана шу тўртта унсурдан ташкил топган, дейишган. Ушбу тўртта унсурни абадий бор деган ғояни илгари суришган.

Фалакиётшунослардан баъзилари эса Яратувчилик нисбатини етти насага беришган: Сатурн, Юпитер, Марс, Куёш, Венера, Меркурий ва Ой.

Ислом уламолари Яратувчи ягона Аллоҳдир ва бу

Қуръон ва суннат билан собит дейишади. Албатта, мусулмон бўлмаган киши Қуръон ва суннатдаги далилни тан олишмайди. Шунинг учун ислом уламолари Яратувчининг ягоналигини ақлий далиллар билан исботлашга киришади.

Мавжудлик куйидаги учта кўринишдан ташқарида бўла олмайди:

- Вожибул вужуд. Бор бўлиши зарур бўлган нарса вожибул вужуд дейилади. Шу билан бирга бундай нарсанинг яратилганлиги тасаввур қилинмайди. У азалдан бор ва боқий нарса ҳисобланади. Уни фақат Аллоҳ таолога нисбатан ишлатиш мумкин.

- Мумкинул вужуд. Бундай нарсанинг бор бўлиши ҳам йўқ бўлиши ҳам, яъни умуман яратилмаслиги ҳам ёки яратилиши ҳам тасаввур қилинади. Борлиқтаги барча нарсалар бор бўлиши ҳам йўқ бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам уларнинг барчаси мумкинул вужуд ҳисобланади.

- Мустахилул вужуд. Бор бўлиши, ёки яратилиши тасаввур қилинмайдиган нарса. Масалан Аллоҳ таоло яна бир Аллоҳ ярата оладими деган савол ноўрин. Зеро, бу мумкин бўлмаган, имконсиз нарса. Шунинг учун ҳам бундай нарсани мустахилул вужуд деб номлаймиз [7:23].

Яратувчи Зот ўз зотига кўра борлиги, яъни “Вожибул вужуд” бўлиши лозимлигини айтиб ўтдик. Зеро, Аллоҳ таолони йўқ дейиш, борлиқ ўз-ўзидан пайдо бўлган дейишга олиб боради. Замонавий илм-фан шуни исботлайдики, ҳеч бир нарса ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Демак, борлиқ, ундаги инсонлар-у, барча нарсалар яратилган.

Демак, Яратувчи Зотгина вожибул вужуд ҳисобланар экан. Бу нарса эса фақат битта Зотдагина бўлиши тасаввур қилинади. Бунинг далили шуки агар яратувчи иккита дейилса, улардан бири битта жисмда

хаётни яратишни ирода қилган бўлса, бошқаси эса айни шу жисмда ўлимни яратишни ирода қилган бўлса, бундай ҳолатда ё иккаласининг ҳам иродаси амалга ошади ёки улардан фақат биттасининг иродаси амалга ошади. Иккаласининг ҳам иродаси амалга ошиши мумкин эмас. Чунки, бир жисм ҳам тирик, ҳам тирик эмас бўла олмайди. Агар улардан бирининг иродаси амалга ошиб бошқасиники ошмаган бўлса, иродаси бекор бўлгани бўйсундирилган бўлади. Бўйсундирилган эса асло илоҳ бўла олмайди [1:41].

Агар шу ҳолатда улардан бири шеригининг қайси бир жисмда ҳаётни ирода қилганини билиб, унга мувофиқ келиб, тескари бўлмаслик учун ўша жисмда ўлимни ирода қилмаган бўлсачи деган фикр бўлиши мумкин. Зеро, ҳақиқатдан ҳам ирода илмни лозим тутати. Мазкур илм билан у шериги билан ўртасида қарама-қаршилик келтириб чиқармаслиги мумкин-ку деган мулоҳаза билдирилса.

Унга жавоб тариқасида айтиш мумкинки, ўзаро мувофиқ иш тутишининг иккита ҳолати бор: зарурий ёки ихтиёрий.

Агар бу мувофиқ иш тутиш зарурий бўладиган бўлса, ҳар иккаласи ҳам шеригига мувофиқ иш тутишга мажбур бўган бўлади. Бундай ҳолатда эса ҳар иккаласи ҳам ожиз бўлиб қолади. Яъни, иккинчиси билан келишиб ишлашга мажбур зотга айланиб қолади.

Агар ихтиёрий равишда мувофиқ иш тутишда дейилса, бунда ўртасида муҳолифлик юзага чиқиши мумкин бўлиб қолади ва ўртада тақсимлаб олиш бошланади. Тақсимлаб иш олиб бориш ҳам ожизлик белгисидир.

Яратувчи иккита: нур ва зулмат дейдиганларга раддияга келадиган бўлсак, айтамикки: “Улар зулматни пайдо бўладиган нарса дейишда биз билан мувофиқ. Яъни улар ҳам зулмат пайдо бўлган нарса дейишади. Шундай экан айтамикки: зулмат ўз-ўзидан бор бўлганми ёки уни нур яратганми? Агар ўз-ўзидан бор бўлган дейилса, бир нарсанинг яратувчисиз бор бўлишини мумкин бўлиб қолади. Бу эса яратувчини инкор қилишдир. Бу ерда иккита яратувчини исбот қилишмас, балки бир нарсанинг яратувчисиз бор бўлишини даъво қилиш юзага чиқиб қолади. Агар “қоронғулик нурнинг яратиши билан юзага келган” дейилса, ёмонликларнинг, ёвузликларнинг аслини нур яратган бўлиб қолади. Бу эса нур фақат яхшиликни яратади деган қарашларига тескари бўлиб қолади [1:42].

Учталиқга келадиган бўлсак, бу ҳам ботилдир, чунки учта аслга тақсимлашга ақл жиҳатдан ҳам нақл жиҳатдан ҳам ҳеч қандай далил йўқдир. Улар зотни илм ва ҳаёт билан қўшиб учта дейишди. Нимага шу учтага қудрат ва иродани ҳам қўшиб бешта дейишмаган, нима учун самий ва басарни ҳам қўшиб еттита дейишмаган ва улардан бошқа комил сифатларини ҳам қўшиб кўпайтиришмасдан шу учта билан чегаралаб қўйишган?

Марям онамизни хотин дейиш ва Исо алайҳиссаломни ўғил дейиш ҳам ботилдир. Чунки бунда эҳтиёжмандликни ва жузларга бўлинишини исбот қилиб қўйиш бўлади. Буларнинг барчаси яратувчининг эмас, балки яратилган нарсаларнинг белгиларидандир [1:43].

Табиатшуносларга раддия беришга келадиган бўлсак, ҳарорат, совуқлик, қуруқлик ва намлик – буларнинг барчаси аразлардир. Яъни улар мустақил бор бўлиб тура олмайдилар, уларда боқийлик йўқ. Янаям соддароқ қилиб айтганда, ҳарорат, совуқлик, қуруқлик ва намлик каби нарсаларнинг ўзини тасаввур қилиб бўлмайди. Уларни бошқа нарсага қўшиб билангина таниш мумкин. Масалан совуқ ҳаво, совуқ сув, қуруқ тупроқ, нам ер каби бошқа нарсага нисбатан билинади.

Улар соатма соат пайдо бўлиб боради ва уларнинг

турадиган жойлари ҳам яратилган нарсаларнинг ўринларидир. Агар қўлингизга иссиқ пиёлани бериб, бу иссиқ деса, сиз пиёладаги иссиқликни ҳис қиласиз. Агар пиёлани қўлингиздан олиб, лекин иссиқни қолдирдим, қўлинг қуйишда давом этаверсин дейишса, ундай кишини ақлан заиф дейсиз. Шунга кўра уларнинг маконлари яратилганлиги каби ўзлари ҳам яратилган, демек албатта уларга бир яратувчи лозим бўлади.

Мунажжимларга раддия қиладиган бўлсак, айтамикки: “Мана бу юлдузларнинг барчаси айланиб, битта бурждан иккинчи буржга кўчиб юрувчидир, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга айланиб турувчидир: кўтарилиш, камайиш, тутилиш, ёрқин бўлиш, пастга тушишларнинг барчаси қандайдир бир куч остида бирлаштирилган эканининг белгилари ҳисобланади. Яратувчи Зот Аллоҳ таоло ягона ва барча нарсаларни ўзига бўйсундирувчи Зотдир. У ҳеч қандай тизимга бўйсиниб ҳаракат қилиб турмайди. Шундай экан юлдузлар-у, барча само жисмлари яратувчи бўла олмайди. Балки, улар яратувчининг низоми остида ҳаракат қилувчи жисмлардир.

Оламнинг Яратувчиси жисм бўлиши ёки бирор суратда бўлиши, ёки бирор тарафда бўлиши ёки бирор бир маконда бўлиши муҳол (соғлом ақл инкор қиладиган нарса) ҳисобланади.

Жисм деганда жавҳарларнинг жамланиши тушинилади. Ҳар бир жамланган нарсани ажралиши ҳам мумкин бўлади. Шунингдек, қандайдир бир миқдори бўлади. Уни ушбу миқдордан каттароқ ёки кичикроқ деб тасаввур қилиш ҳам мумкиндир. Айнан бир миқдор билан хосланишини фақатгина бошқа бир хословчи билангина амалга оширилади [7:52].

Шунингдек, сувратлар ҳам хилма-хил бўлади. Яратувчи барча сувратларда дейиш муҳол. Ушбу сувратларнинг баъзисиди бўлиш эса бошқа бир хословчининг хослаши билан юзага чиқади.

Шунингдек, Яратувчини бирор тарафда деган сўз ҳам ботилдир. Чунки У Зотни бир тарафда дейиладиган бўлса, у ундан бошқа тарафларда эмас деган маънони ифодалайди. Баъзи бир тарафга хослаш эса фақатгина хословчи билан бўлади. Чунки ким бирор нарсанинг бир тарафида турадиган бўлса, албатта ўша иккиси ўртасида маълум бир масофа бўлиши лозим бўлади. Мазкур масофа ўша миқдоридан кўп ва кам ҳам бўлиши мумкиндир. Шундай экан ўша миқдордаги масофни хословчи бўлиши лозим бўлади. Чунки шу миқдордан бошқа миқдор ҳам бўлиши мумкин эди.

Сўнгра уламолар айтадики, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло тепа тарафда туриши билан мадҳ қилинмайди. Чунки қўриқчи ҳам бир маконда туриши эътиборига кўра султондан баланд тарафда туриши мумкин. Ваҳоланки султон мартаба жиҳатидан қўриқчидан юқори ҳисобланса ҳам.

Шунингдек, дуо вақтида қўлларни осмонга қўтариш ҳам “таъаббуд” (яъни бандалик иши эътиборидан)дир [3:18]. Бу иш худди саждаларда пешонани ерга қўйиш ва намозда Каъбага юзланиш сингари ибодат маъносидаги ишдир.

Демак мазкур билдирилган фикр-мулоҳазалар шуни кўрсатадики, бугун баъзи ҳудудларда кўзга ташланаётган қабрларга, тош-дарахтлар каби буюмларга сиғиниш, улардан нималарнидир дуо қилиб сўраш, улардан мусибатлар пайғида ёрдам сўраш, уларга атаб қурбонликлар сўйиш, саждалар қилиб ибодат қилиш энг катта хато ва мусибат ҳисобланади.

Баъзи кишиларни ғайри табиий иш содир қилди дея, уни илоҳлаштириш эса, ундан ҳам катта мусибатдир. Илоҳлаштириш нима билан бўлади. Тўғри ҳеч ким бирор кишини у худо деб атамаётгандир. Лекин, ўша битта шахснинг олдиға борсам, ишим яхши, бўлмаса юришмай қолади деб эътиқод қилиш уни илоҳлаштиришнинг бир кўриниши ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Мулла Али Ал-Қорий. Шарҳу фикҳил ақбар. – Байрут: “Дарун нафаис”, 2009.
2. Муҳаммад Анвар Бадахшоний. Талхису шарҳи Ақидатит Таҳавийя. – Карачи: “Замзам бабилшарз”, 1409.
3. Аллома Абул Ҳасан Али ан – Надавий. Ал-Ақийда ал-Исломиа ас -Суннийя. – Байрут: “Дарут турос”, 2008.
4. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. – Т.: “SHARQ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2008.
5. Нуруддин Собуний. Китабул бидоя фи усулиддин. – Миср: Дорул маориф, 1929.
6. Мулла Али Ал-Қорий. Зовул маъалий. – Байрут: Дорул Байрутий, 2006.
7. Умар ибн Муҳаммад Насафий. Ақоид. – Карачи: Мактабатул Мадина, 2009.

РЕЗЮМЕ

Мақкур мақолада оламнинг Яратувчиси борлиги ва Унинг ягоналиги тўғрисидаги Ислом уламолари томонидан келтирилган далиллар баён қилинади. Бошқа таълимот вакиллариининг ҳам қарашлари келтирилади. Ушбу қарашларга ислом уламолари томонидан билдирилган рақдиялар ёритилади. Яратувчи ҳеч қандай маконда эмас деган ғоя қувватланади. Маълумотлар ишончли манбалардан олинган.

РЕЗЮМЕ

В статье приводятся доказательства исламских учёных о существовании и единстве Создателя вселенной. Приводятся такие и другие точки зрения по данному вопросу. Эти взгляды опровергаются исламскими учеными. Мысль о том, что Творец не существует ни в каком пространстве, подкреплена, данными из надёжных источников.

SUMMARY

The article provides evidence from Islamic scholars on the existence and oneness of the Creator of the universe. Other points of view on the given issues are also presented. These views are refuted by Islamic scholars. The idea that the Creator doesn't exist in any space is reinforced and these data are obtained from reliable sources.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ САНОАТИНИНГ ИККИНЧИ ЖАҲАН УРУШИ
МАНФААТЛАРИГА МОСЛАШТИРИЛИШИ

К.Т.Тошов – ўқитувчи

Термиз давлат университети

Таянч сўзлар: саноат, халқ хўжалиги, сафарбар қилиш, мутахассис, оташин чакириқлар, ишчи-ходимлар, захиралар, фабрика хўжалиги, ишлаб чиқариш.

Ключевые слова: промышленность, народное хозяйство, мобилизация, специалист, призыв, персонал, ресурсы, фабричное хозяйство, производство.

Keywords: industry, national economy, mobilization, specialist, appeal, personnel, resources, factory economy, production.

Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихида энг даҳшатли ва қирғинбарот урушлардан бири бўлди. Бу урушда бутун инсоният ўзининг барча куч ва имкониятларини фашизм устидан қозониш учун ғалабага қаратди. Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабада барча халқлар сингари Ўзбекистон халқининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Уруш алангаси бошланган илк кунларданок барча соҳаларда бўлгани каби Сурхон воҳаси саноатчиларининг ҳам зиммасига ватан олдидаги бурчидан келиб чиққан ҳолда оғир маъсулият юкланди. Сабаби уруш арафасида вилоятда бор-йўғи бир қанча кичик-кичик саноат корхоналари, саноат артеллари, пахта тозалаш заводлари қабилар мавжуд эди. Ушбу саноат корхоналари вилоят аҳолисини кундалик талаб эҳтиёжлари учун зарур бўлган совун, туз ва бошқа шунга ўхшаш хўжалик маҳсулотлари билан таъминлар эди.

Бошланиб кетган уруш вилоят саноатчиларининг ҳам қалбларини ларзага солди, турмушини оғир-устун қилиб юборди. “Уруш йилларида Ўзбекистон фронтнинг мустаҳкам таъминот базасига айланди. Юртимиздаги саноат корхоналари ҳарбий соҳага мослаштирилди, барча имкониятлар фронт учун, ғалаба учун сафарбар этилди”, дея таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев [1].

Урушнинг совуқ хабари тарқалган кундан бошлаб, Ўзбекистон ҳудудида жумладан, Сурхон воҳасидаги ўзбек корхоналарида янги меҳнат ютуқларида чорловчи намоёишлар бўлиб ўта бошлади. Ана шундай намоёишлар “Ворошилов” нефть трести, Термиз шахридаги гўшт корхонаси, Термиз пахта тозалаш заводи ва бошқа саноат корхоналарида бўлиб ўтди. Жумладан, Термиз шахридаги “Прогресс” артели ишчилари томонидан уюштирилган намоёишда артель ишчиси В. Моисеенко сўзга чиқиб, “Фашизмнинг юртимизга ҳужумини ниҳоятда қоралайман, керак бўлса озодлик йўлида бир томчи қоним қолгунча курашаман, ҳамкасбларимни эса манфур душман ҳужумига қарши мардонавор меҳнат билан жавоб беришга ва ишлаб чиқаришда янада кўплаб маҳсулот ишлаб чиқаришга чақираман”, деган эди [6:20].

Бошланган уруш алангаси ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлгани сингари саноатни ҳам изга солишни талаб қиларди. Шу сабабли 1941 йил 26 июнда Сурхондарё вилояти партия кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда “Саноат ва транспорт ишларини уруш даврига мослаб қайта қуриш тўғрисида”ги масала қатъий белгиланди, саноатни

тўлиқ ҳарбий изга солиш, уруш манфаатларига бўйсундириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш каби вазифалар белгилаб олинди.

Бу уруш Сурхондарё вилояти саноатчиларининг олдида ҳам бир қанча муаммоларни кўндаланг қилиб қўйган эди. Бу муаммолар, аввало мутахассис кадрларларнинг етишмаслиги, оғир ишлаш усулларига ўтишдаги объектив ва субъектив қийинчиликларда намоён бўлди. Лекин шундай бўлса-да, вилоят саноат аҳли уруш даври талабларини инобатга олиб станоклар олдида 16-18 соатлаб меҳнат қилдилар ва ишлаб чиқариш жараёнини сусайтирмадилар.

Лекин ишчиларнинг фронтга кетиши саноат корхоналарида кўплаб қийинчиликлар туғдирди. Айниқса шу соҳани тушунадиган мутахассислар етишмасди. Масалан, 1941 йилда вилоят саноат корхоналарида 3766 нафар киши ишлаган бўлса, 1942 йилга келиб эса ишчиларнинг сони 3316 кишига тушиб қолди. Шу муносабат билан саноат корхоналарида “Урушга кетган сафдошларимизнинг ўрнига ҳам ишлаймиз”, деган чакириқлар авж олди [5:19-20].

Кўплаб аёллар ва болалар саноат корхоналарида ишлаш истагини билдириб, саноат корхоналарига ишга жойлаша бошлади. Ишга янгидан келганлар малакасини ошириш ва янги ишчи мутахассислар тайёрловчи қисқа муддатли курслар ташкил қилинди. Жумладан, илгари рўзгор иши билан банд бўлган 595 хотин-қизлар уруш бошланганлиги муносабати билан вилоятнинг турли саноат корхоналарига ишга жалб этилди ёки ана шу аёллардан 322 нафари цех, смена ва бригада раҳбарлиги лавозимларида фаолият юрита бошладилар [4].

Уруш бошлангунча уй-рўзгор ишлари билан банд бўлган термизлик Майорова уруш бошланиши билан Термиз пахта тозалаш заводида ишга кириб, бирдангина икки ихтисосликни эгаллади ва кунлик режани 160-200 фоизга бажариб, собиқ СССР нинг “Шавкатли меҳнати учун” медалини олишга мушарраф бўлишди.

Шу билан бирга, ҳар бир туман ва вилоят марказида ёки саноат корхоналари қошида муддатли курслар ташкил этилиб, улар янги ишчи мутахассислар тайёрлаш янгидан ишга келган ишчиларнинг техник малакаларини ошириш иши билан шуғулланарди. Вилоят саноатчилари ҳам барча соҳа ишчилари қаторида уруш талаблари асосида тинмай меҳнат қилдилар, ишлаб чиқаришда “стахановчилик” ва ихтирочилик таклифларининг сони ортиб борди.